

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

“Хитой иктисодиёти” кафедраси

КУРС ИШИ

Мавзу: ХХР инновацион сиёсатининг ривожланиш истикболлари

5231000 – Хорижий мамлакатлар иктисодиёти ва мамлакатшунослик
факультети (Хитой иктисодиёти)

Бажарди: 3-курс Хитой-француз гуруҳи талабаси Наврузова Адолатхон
Химояга рухсат этилди: _____

Илмий рахбар: и.ф.н, проф. Махмудов Э.Р.

Комиссия хулосаси _____

Тошкент – 2015-йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
I- БОБ. МАМЛАКАТНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ИННОВАЦИОН СИЁСАТНИНГ АҲАМИЯТИ.....	5
1.1. Давлат инновацион сиёсати: мақсад, вазифа ва йўналишлар.....	5
1.2. ХХР иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари (инновацияларга талабнинг пайдо бўлиши).....	10
II - БОБ. ХХР ИННОВАЦИОН ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.....	13
2.1. Давлат инновацион сиёсатининг шаклланиши ва ривожланиши.....	13
2.2. ХХР миллий инновацион тизими: камчиликлар ва ютуқлар.....	21
III-БОБ. ХХРДА ИННОВАЦИОН СИЁСАТ ИСТИҚБОЛЛАРИ	26
3.1. ХХР ХКПнинг 18 съезидан сўнг: Инновациялар учун вақт. “Хитойча орзу”нинг ушалиши.....	26
ХУЛОСА.....	32
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	34

К И Р И Ш

Мамлакат иқтисодиётида инновация соҳасининг ривожланиши ва динамикаси даражаси давлатнинг иқтисодий барқарорлиги асосини ташкил этади, бой ва камбағал давлатлар ўртасидаги чегарани белгилайди. Ҳозирги вақтда фундаментал ва амалий тадқиқотларни молиялаштиришнинг кўпайиши билан характерланувчи илмий фаолиятнинг ўсиши, илмни хусусий сектор билан интеграллашишини рағбатлантириш ҳисобига янгиликларни ўзлаштирилиши, ҳар томонлама инновацион фаолиятни ривожланишига кўмаклашиш, илмий техникавий потенциални долзарб иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтириш янги даври кўзга ташланмоқда. Бутун дунёда иқтисоднинг ривожланиши сифатида тан олинган илмий техникавий жараён, кўпинча инновацион жараён билан боғланмоқда.

Инновация бу бозорда эҳтиёж катта бўлган жараён ёки маҳсулотга янгиликни жорий этилиши сифатини самарали ўсишидир. Инновациянинг моҳияти ишлаб чиқариш жараёнини сифатли янгиланишидан иборат бўлиб, ўзини янги технологиялар ва техникаларни жорий этилиши, таркибий тузилмалар, бошқарув услубларини ўзгариши каби намоён этиши мумкин. Инновация бугун ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш асоси, маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини, харажатларни камайиши, инновационлиги миллий иқтисодиётни иқтисодий ривожланиш даражасини кўрсатувчи фирмаларнинг ажралмаси қисмига айланиб бормоқда.

Бизнинг даврда инновацион фаолият давлат учун жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини ва мавқеини мустаҳкам эгаллаши йўлида жуда муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, инновацион жараён бу, ўз ўрнида, фан, техника, иқтисодиёт, тадбиркорлик ва бошқарувни бирлаштирувчи ягона жараёндир.

Бугун ХХРда ресурс типигаги иқтисодиётдан инновационга ўтиш жараёни кўзга ташланмоқда. Иқтисодиётни ривожланишининг, иқтисодиётда информацион ва коммуникацион технологиялар каби элементлар устиворлигига ўтиш натижаси бўлган, инновацияларнинг ички ва ташқи трансфери, инновациялар ва интеллектуал мулк бозорининг ривожланишининг Янги инновацион модели шаклланмоқда.

Ўрганилаётган мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш учун ҳозирда мамлакатлар томонидан истиқболли инновацион дастурлар ишлаб чиқирилиши тақозо этилмоқда. Бу борада ХХР тажрибасини ўрганиш, уни миллий иқтисодиётимизга мос келувчи тармоқлар бўйича қўллаш учун шарт шароитларни яратиш, шу билан бир қаторда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш учун ечимлар излаб топиш ўта муҳим саналади.

Ўрганилаётган мавзунинг объекти ХХР инновацион сиёсатидир.

Ўрганилаётган мавзунинг предмети ХХР инновацион сиёсатининг амалга оширилиши, юзага келган камчиликлар ва ютуқларни баҳолаш, истиқболдан кутилаётган натижалар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш.

Ушбу ишдан кўзланган мақсад ХХР иқтисодининг ривожланиши ва модернизация қилинишида инновацион сиёсатнинг аҳамиятини тадқиқ этиш ва ўрганишдан иборат.

Вазифа сифатида қуйидаги саволларни ўрганиш белгиланди:

- Мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва модернизация қилишда инновацион сиёсатнинг аҳамияти;
- ХХР инновацион тизимнинг ривожланиши;
- ХХР инновацион сиёсатнинг истиқболларини тадқиқ этиш

Ушбу ишни ёзишда анча вақтдан буён ХХР инновацион соҳа масаларини ўрганиш билан шуғуланиб келаётган хитойшунос олимлар: Я.М. Бергер, С.Н. Леонов, Е.Л. Домнич, В.В. Карлуснинг илмий мақолаларидан, Я.М. Бергернинг “Экономическая стратегия Китая”

Монографиясидан, и.ф.д., профессор Жумаев Н.Х. мақолаларидан ва интернет ресурслардан фойдаланилди.

Фойдаланилган адабиётлар каторидан алоҳида ўринга эга бўлганлари сифатида, ХХР Хукумат бошлиқларининг маърузалари таржималари, ХХР Компаниясининг 2013 йил 18 чақириқ съездлари материаллари ҳамда **бир катор ҳукумат веб-сайтларидан фойдаланилди.**

Курс ишининг таркибий тузилиши ва ҳажми. Курс иши таркибан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Курс ишининг кириш қисмида танланган мавзунинг илмий назарий долзарблиги асосланган ва бажарилган ишнинг амалий аҳамияти кўрсатилган, илмий изланишнинг мақсад ва вазифалари ифодаланган, унинг илмий янгилиги кўрсатиб берилган.

Мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва модернизация қилишда инновацион сиёсатнинг аҳамияти деб номланган биринчи бобда давлат инновацион сиёсатининг мақсад, вазифа ва йўналишлар ҳамда ХХР иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари айнан инновацияларга талабнинг пайдо бўлиши батафсил ёритилган.

ХХР инновацион тизимининг шаклланиши деб номланган иккинчи бобда ХХРда давлат инновацион сиёсатининг шаклланиши ва ривожланиши, ХХР миллий инновацион тизими юзага келган камчиликлар ва қўлга киритилган ютуқлар таҳлил қилинган.

ХХРда инновацион сиёсат истиқболлари деб номланган учинчи бобда ХХР ХКПнинг 18 съездидан сўнг белгилаб олинган вазифалар яъни “Хитойча орзу” ва янги мақсадлар, хитойча хусусиятли иқтисодиётни янада такомиллаштириш учун белгиланган чора тадбирлар баён қилинган.

Курс ишининг хулоса қисмида барча келтирилган аргументлар асосида мамлакат инновацион сиёсатининг самарали иқтисодиётни шакллантиришга таъсири хусусида фикр юритилган.

I-БОБ. МАМЛАКАТНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ИННОВАЦИОН СИЁСАТНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Давлат инновацион сиёсати: мақсад, вазифа ва йўналишлар

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ХХІ асрни фан, замонавий инновацион технологиялар ва бозорларни эгаллашга қаратилган кучли рақобат асри эканлигини билган ҳолда, асосий эътиборларини ўз мамлакатларининг илмий техник, инновацион салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратишмоқда. “Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиётимуносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. ...”Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги бошқа янги қонунлар шулар жумласидандир ”.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан “Маълумки, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз²” деб таъкидланиши ҳам инновацион ривожланиш долзарб масала эканлигини кўрсатмоқда.

БМТнинг экспертлари баҳоси бўйича 2020 йилгача жаҳонда ривожланган мамлакатларнинг ЯИМда илмий сиғими юқори бўлган маҳсулотларнинг ўрни сезиларли даражада ўзгармайди. АҚШ ва Япония ушбу даврий ораликда мазкур кўрсаткични 3%га етказса, уларнинг ўрнини

¹ http://www.press-service.uz/uz/news/show/dokladi/konsepciya_dalneyshego_uglubleniya_demo/page/3/

² Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи, 18 январ 2014

2,8% кўрсаткич билан Европа мамлакатлари эгаллайди.³ Шарқий Осиё мамлакатларида эса илмий сиғими юқори бўлган маҳсулотларни яратишга қилинадиган харажатлар жадал суръатлар билан ўсиши давом этади.

Мамлакатларнинг танлаган инновацион сиёсатлари, йўналиш ва уни амалга оширишга мўлжалланган Дастурлари иқтисодиётнинг модернизация қилиниши ва юқори ўсиш суръатларига эришишини таъминлайди.

Давлатнинг инновацион сиёсати илмий тадқиқотлар, ишланмалар, тажриба конструкторлик ишлари ёки фан техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий айланмага киритиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён, янги ёки такомиллашган маҳсулот яратиш тушуниладиган инновацион фаолиятни ривожлантириш ва рағбатлантиришга йўналтирилган ижтимоий иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмидир.⁴

Давлат инновацион сиёсати маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини ошириш, технологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш учун инновацион фаолият устуворликларини тан олишдан келиб чиқиб шакллантирилади ва амалга оширилади.

Давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Инновацион фаолият учун маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ўсиши, фан техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал этишни таъминлайдиган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратиш;

- Фан техника салоҳиятини ривожлантириш, уни оқилона жойлаштириш ва самарали фойдаланиш, унинг структурасини шакллантириш;

³

⁴ Абдусаттарова Х.М. Инновация стратегияси. ТДИУ, 2011 йил. 46\ бет

- Фан техниканинг мамлакат иқтисодиёти ривожига, энг муҳим ижтимоий вазифаларни амалга оширишга, моддий ишлаб чиқариш соҳасида илғор таркибий ўзгаришни таъминлашга, унинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ўсишига қўшадиган ҳиссасини ошириш;

- Мамлакатнинг муҳофаа қобилиятини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини мустаҳкамлаш.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун давлат инновацион сиёсатининг қуйидаги вазифаларини ҳал этиш лозим:

- Давлат устувор сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш;

- Иқтисодиётда илғор таркибий ўзгаришларни таъминлаш;

- Инновацион фаолият инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш;

- Маҳаллий инновацион маҳсулотларни халқаро бозорда қўллаб қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш бўйича чора тадбирларни амалга ошириш;

- Инновацион фаолиятни ривожлантиришда фан, таълим, ишлаб чиқариш ва молия кредит соҳасининг ўзаро алоқаларини таъминлаш;

- Халқ хўжалигининг ривожланиш суръати, пропорцияси ва стратегиясини, унинг таркибий мувозанатланганлигини белгилаб берадиган асосий йўналишларда иқтисодиётнинг ривожланишини барқарорлаштириш учун илмий техник салоҳиятдан самарали фойдаланишни таъминлаш.

Замонавий жаҳон иқтисодий ривожланишига хос бўлган жиҳат дунёнинг етакчи мамлакатлари постиндустриал жамият шаклланишининг янги босқичига асосан билимлар яратиш, тарқатиш ва фойдаланишга асосланадиган иқтисодиёт яратишга ўтиши ҳисобланади. Янги фан техника ютуқларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг жадаллашуви инновацион циклнинг кескин қисқариши, маҳсулот ва технологияларни янгилаш суръатининг тезлашишини белгилаб берди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатнинг изчил ижтимоий иқтисодий ривожланиши ва унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлиги таъминланиши (технологиялар ортида қилишини бартараф этиш) биринчи навбатда ривожланган миллий инновацион тизим мавжудлиги билан таъминланади.(1.1.жадвал) Миллий инновацион тизимнинг барча элементлари шаклланиши ва самарали ўзаро алоқа қилиши давлат инновацион сиёсатининг бош мақсади ҳисобланади.

1.1.жадвал⁵

Дунё мамлакатларида давлат инновацион сиёсатининг асосий йўналишлари

Инновацион сиёсат йўналиши	Ўзига хослик	Мамлакат
Миллий инновацион тизим структурасини оптималлаш	Инновациялар соҳасида давлат бошқарув ва режалаштириш тизимларини оптималлаштириш	Япония, Норвегия, Ҳиндистон, Чили
	Фан ва инновациялар соҳасида давлат томонидан молиялаштиришни оптималлаштириш	АҚШ, Франция, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция, Тайвань, Австралия
	Фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш	Буюк Британия, Швеция, Словения
Мамлакат ичкарасида бизнес ва фаннинг (университетлар) инновацион кооперациясини рағбатлантириш	Университет ва корпорацияларнинг симметрик яқинлашувини рағбатлантириш	АҚШ, Финляндия
	Фан ва инновациялар соҳасидаги йирик давлат қўйилмалари ва миллий хусусий капитални жалб қилиш	Исроил, Финляндия
	Инновацион соҳага хорижий капитал жалб қилган ҳолда хусусий секторнинг инновацион фаоллигини рағбатлантириш	Буюк Британия, Ирландия, Ҳитой, Корея, Малайзия, Ҳиндистон, Исроил
	Илмий секторнинг инновацион ташаббусларини рағбатлантириш	Германия, Япония, Янги Зеландия, Дания
Халқаро инновацион тармоқларга интеграция	Комплексли интеграция	Финляндия, Исроил, Нидерландия, Ҳитой
	Технологик ихтисослашув	Корея, Малайзия, Сингапур, Тайвань, Ҳиндистон
Ички инновацион тармоқларини йўлга қўйиш	Инновацион соҳада алоқалар ўрнатиш учун махсус шароитлар яратиш	АҚШ, Норвегия, Ирландия

⁵ Абдусаттарова Х.М. Инновация стратегияси. ТДИУ, 2011 йил. 50\ бет

	Миллий минтақалар ташаббусларини рағбатлантириш	Франция, Германия, Финляндия
Миллий инновацион тизимни шакллантириш	Давлат фан секторини фойта структуралаш	Болгария, Польша, Литва
	Фан ва таълимни интеграциялаш ташаббуси билан чиқиш	Латвия, Эстония, Чехия
	Кичик ва ўрта бизнесни инновацион соҳага жалб қилиш	Руминия, Чехия, Словакия, Латвия, Эстония, Туркия, Чили
	Юқори технологиялар соҳасида устувор экспорт йўналишларини аниқлаш	Чехия, Руминия, Туркия, Чили

Инновацион стратегия жамият ривожланиши йўналишига мувофиқ технологияларда ҳам, технологияларни бошқаришда ҳам янгиликлар киритишни танлаш ва амалга ошириш тизимларини ўзгартириш жараёнини белгилаб берадиган қоидалар ва меъёрлар тўпламидир. Инновацион стратегиянинг энг олий вазифаси инновацион жараён қатнашчиларининг манфаатлари ва турли йўналишдаги жараёнларни максимал даражада уйғунлаштириш ҳисобланади.

Янгиликлар киритишни амалга ошириш, кўп илм талаб қиладиган маҳсулот чиқариш ва экспорт қилишда муваффақиятга эришган ривожланган мамлакатлар тажрибаси инновацион сиёсат ривожланиши стратегияларининг айрим турларини ажратиб кўрсатишга имкон беради.

“Ўзлаштириш” стратегияси шундан иборатки, арзон ишчи кучига таянган ўзининг йўқотилаётган илмий техника салоҳияти бир қисмидан фойдаланган ҳолда илгари саноати ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, келгусида ишлаб чиқаришга муҳандислик техник ҳамкорлик қилиш ҳамда иқтисодиётнинг давлат ва бозор шакллари уйғунлаштирган ҳолда инновацион фаолиятни кучайтиришни таъминлаш, ўзининг илмий тадқиқотчилик ва тажриба конструкторлик ишларини ўтказишга қодир бўлган илмий техник салоҳият тикланади.

Бундай стратегия Хитойда ва Жанубий Шарқий Осиёнинг бир қатор мамлакатларида қабул қилинган. Классик мисол Жанубий Кореянинг

рақобатбардош автомобил саноати, юқори самарали ҳисоблаш техникаси, маиший электроника воситалари ишлаб чиқаришнинг яратилиши.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инновацион сиёсатнинг негизлари мамлакатдаги реал, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазиятга мос келадиган бўлиши лозим. Бу ўз навбатида қулай ва самарали инновацион муҳитни шаклланишига хизмат қилади.

1.2. ХХР иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари (инновацияларга талабнинг пайдо бўлиши)

1977 йил августида бўлиб ўтган Хитой Коммунистик партияси (ХКП) ХІ Умум хитой съезди “маданий инқилоб” тамомлангани ҳамда янги даврнинг бош мақсади сифатида “ХХ аср охирига Хитойни бой, гуллаб-яшнаган ва қудратли замонавий социалистик давлатга айлантириш” ғояси илгари сурилишини эълон қилди.

ХКПнинг барча ривожланиш босқичларини бирга босиб ўтган раҳбарлар гуруҳи етакчиси – Дэн Сяопин эди. Кейинчалик у “хитой ислохотлари архитектори” деган ном олди. Партия сиёсатининг ислохотлар томонга бурилишида “катта авлод вакиллари” ҳам жуда катта роль ўйнади.

ХКП Марказий Қўмитаси ХІ чақириқ учинчи пленумидан кейин хитой раҳбарияти ташқи дунёдан ёпиқлик хитой иқтисодиётини модернизация қилишга фақат тўсқинлик қилишини англаб етди. Ташқи савдони ривожлантириш ҳамда ушбу асосда иқтисодиётни модернизация қилиш борасида Шарқий осий минтақасининг тажрибаси тадқиқ қилинди. Ушбу мамлакатлар, жумладан Япония, Гонконг, Сингапур, Тайвань ҳамда Жанубий Кореяда ташқарига мўлжал олган ривожланиш стратегияси танлаб олинган бўлиб, у тезкор иқтисодий ўсиш учун туртки бўлди. Мазкур тажрибага асосланиб, хитой ҳукумати ташқи очиклик курсига амал қилишга қарор қилди.

1978 йилда Хитой – аҳолиси кўп сонли ва иқтисодий ривожланиш даражаси паст, қолоқ мамлакат эди. Хитой қишлоқ хўжалиги асосан, қўл

меҳнатига таянган, саноатда эса технологиялар аксарият қисми эскирган эди. Умуман олганда, техник юксалишнинг иқтисодийётдаги роли атиги 20 фоизни ташкил қилган, ривожланган мамлакатларда эса 60 фоиздан ошган эди. Хитой саноати ва қишлоқ хўжалиги қолоқлигига олиб келган сабаблардан бири – ташқи дунёдан ажралганлиги, жаҳон фан ва техникасини ривожлантириш тенденцияларини тушунмаслиги, халқаро алоқалар ва ҳамкорликдан воз кечишидир. Мавжуд бўлган корхоналарни тузилмавий модернизация қилиш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш лозим эди. Хитой иқтисодий ўсишини чеклаб турган муҳим омил – маблағлар етишмаслиги. Экспертлар ҳисоб-китобига кўра, 1980 йилда қишлоқ хўжалик ҳамда саноат асосий воситаларининг ЯИМга нисбати, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги муносабатларни олсак, ҳажми 710 млрд юанга тенг ЯИМни тўрт барабар ошириш учун асосий воситаларни 1,55 трлн юанга ошириш керак эди. Шу билан бир вақтда, фан, таълим, энергетика ва транспорт каби соҳалар ҳам катта ҳажмдаги инвестицияларга муҳтож эди. Шу каби катта маблағ етишмаслигини тўлдириш учун, модернизация учун чет эл капиталидан ҳамда илғор техникадан фойдаланиш зарур бўлган. Маълумотларга кўра, Хитой сотиб оладиган янги технологияларнинг тўртдан уч қисми чет эл корхоналарига тўғри келади.

Ўша вақтда жаҳон ривожланишини тўғри баҳолаган Дэн Сяопин Хитойни модернизация қилиш учун халқаро ёрдамни олиш ҳамда ташқи очиқликни ўрганиш шартлигини таъкидлади. У шундай деди: “Очиқлик сиёсати – бу Хитойнинг умиди. Ҳеч қайси мамлакат бутун дунёдан ажралиб, халқаро алоқаларни кучайтирмасдан, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси, илғор фан ва техника ютуқларини ҳамда чет эл капиталини жалб қилмасдан ривожлана олмайди”.⁶

Дэн Сяопин фикрича: “Ривожланган мамлакатлар иқтисодий ва техник даражаси юқори, улар етарли миқдорда маблағга эга. Ривожланаётган мамлакатлар эса камбағал ёки ривожланмаган, иқтисодийётни ривожлантириш

⁶ Chang, M. The Thought of Deng Xiaoping // Communist and Post-Communist Studies. 1996. -№4

ва қашшоқликдан қутулиш учун улар ривожланган мамлакатлар маблағи ҳамда техникасини жалб қилиши шарт”. Дэн Сяопин ташқи очиклик сиёсатини фақатгина АҚШ, Япония ҳамда Ғарбий Европа давлатлари каби ривожланган мамлакатлар учунгина амалга оширмаган Хитой дунёнинг барча мамлакатларига нисбатан очик бўлган. Мазкур ҳар томонлама очиклик стратегияси жаҳон тенденцияларига мос ҳолда муҳим аҳамият касб этган.

Дэнь Сяопин томонидан илгари сурилган “Уч қадам” стратегияси мамлакат модернизациялашни амалга оширишга йўналтирилган ва Хитойни ривожлантириш стратегияси саналади. У ўз ичига : биринчи қадам 1980 йилда ЯИМ кўрсаткичини икки баробар ошириш ва 80 йиллар охирига борибаҳолининг кийим кечак ва озиқ овқат муаммосини тартибга солиш; иккинчи қадам ЯИМни яна икки баробар ошириб, XX аср охирига қадар аҳолининг ўртача яшаш даражасини таъминлаш; учинчи қадам аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМни ўртача ривожланган мамлакатлар кўрсаткичига етказиш, аҳоли ҳаёт даражасини яхшшлаш ва 21 аср ўрталарига бориб модернизациялаш жараёнини якунлашдир.⁷

Машҳур Хитой геологи Ли Сигуан шундай деган эди : “Фаннинг мавжуд бўлиши тўлиқлигича янги кашфиётларга боғлиқдир, кашфиётларсиз у хароб бўлади”.⁸ Шундан хулоса қиладиган бўлсак, Хитой учун инновацияларга талаб шароит тақозо билан вужудга келди ва ташқи воситалар ҳамда ички имкониятлар доирасида амалга оширди. Ислохотлар змирида инновацион иқтисодиёт ва янгича инновацияларга кўп эътибор қаратилган бўлсада, Хитой инновацион эмас балки инвестициялар ва экспортга йўналтирилган иқтисодиётни амалга оширди.

⁷ Си Цзиньпин. О государственном управлении. Пекин., 2014г. С.27

⁸ Си Цзиньпин. О государственном управлении. Пекин., 2014г. С.172

I I -БОБ. ХХР ИННОВАЦИОН ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

2.1. Давлат инновацион сиёсатининг шаклланиши ва ривожланиши

Юқорида айтилгандек, бутун дунёда иқтисодиётни ривожлантиришда энг муҳим фактор сифатида тан олинган илмий техникавий прогресс, кўпинча инновацион жараён билан боғланади. Шундай қилиб инновацион сиёсат ҳар бир давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланди.

“ХХРда Давлат инновацион сиёсати” мақоласининг муаллифлари С.Н. Леонов ва Е.Л. Домничнинг фикрича, ХХР тарихида давлатнинг инновацион сиёсат олиб боришининг 5 босқичини алоҳида ажратиш мумкин.

1975-1978 йилларни хитойнинг ислохотлардан илгариги, биринчи инновацион сиёсат даври деб белгилаш мумкин. Бу давр учун инновацион фаолиятни бошқаришда идеологик тўсиқни енгиш характерлидир. Бу даврда инновацион сиёсатнинг муҳим дастаги, илмий ташкилотларга илмий изланишларни олиб боришга ва ишлаб чиқариш корхоналари учун хориждан технологияларни ускуналар жамланмалари кўринишида харид қилиш учун тўғридан тўғри давлат буюртмаси эди.

Бу даврда олий таълим муассасалари фақатгина кадрлар тайёрлаш билан машғул эди. Шу сабабли 1970 йилларда хитойда тадқиқ этилган илмий тадқиқотларнинг 40% хорижда қайта текширилган ва натижалари олинган, кўпгина илмий текшириш муассасалари ишланмаларнинг охириги босқичларида импорт қилинган тайёр ускуналар билан рақобатга тўқнашди. Натижада “корхона етакчи фан қолоқ”⁹ ҳолати мавжуд эди. Бундан ташқари мамлакатда бозор таркиби ўзгаришлари тажрибаси йўқ эди.

Кейинги давр “тажрибалар” даври (1978-1985 йиллар). 1978-йилдан кейин бозорга йўналтирилган иқтисодиёт принципи илмий техникавий

⁹ Леонов С.Н., Домнич Е.Л. Государственная инновационная политика пореформенного Китая содержание, периодизация, масштабы.// Вестник ТОГУ.-2010.№2(17). С. 168.

соҳада давлат сиёсатини юритишда ҳам тадбиқ этила бошлади. Хитой республикаси илмий текшириш муассасалари тизимини тиклаш ва ривожлантириш, илмий текшириш муассасаларини ривожлантириш усуллари ва омилларини Миллий беш йиллик (1980-1985йй) режасига интеграллаштириш содир бўлди.¹⁰ Бу давр учун давлат агентликлари ва асосий институционал секторлар, институционал секторлар ичида, институцион секторлараро ўзаро хўжалик ҳамкорликни экспериментлари жорий этилди.

Давлат раҳбарлари анъанавий ва юқори технологиялар комбинациясини ўзида мужассамлаштирган кўп босқичли технологик тизимни жорий этилишини эълон қилишди. Хорижий капитал учун маҳсус иқтисодий ҳудудлар, кейин эса кўпгина соҳил бўйи шаҳарлар очилди.¹¹

Кейинги давр бу таркибий ислохотлар даври (1985-1995йй) бўлди. Бу даврда кенг доирада тадқиқотларнинг марказлашган молиялаштириш механизми синдирилиб, фанни грантлар тизими бўйича қўллаб қувватлаш жорий этилди, илмий текшириш ташкилотларини бирлаштириш амалга оширилди. Илмий техника сектори ва корхоналарнинг доимий горизонтал ҳамкорлиги ўрнатилди, аввал давлат режасига асосланган илмий ва технологик ривожлантиришни молиялаштириш тизими ўзгартирилиб, илмий текшириш институтларни корхоналар билан ҳамкорлик қилишга мажбурлаш мақсадида давлат грантлар миқдорини камайтирди. Корхоналарда шартномавий жавобгарлик тизими жорий этилиб, менежерларнинг корхона рентабеллигини оширишга, шу жумладан янги технологияларни жорий этишга манфаатдорлигини кўтарди. 1990-йилларга келиб Давлатнинг фанни молиялаштиришдаги дефицити камайди, айрим соҳаларда эса ҳатто кўпайди.¹² Хусусий илм фанга боғлиқ корхоналари

¹⁰ Huang C. Organization, program and structure: an analysis of the Chinese innovation policy framework.//R&D Management.-2004. –vol.34,4. 371-bet

¹¹ Леонов С.Н., Домнич Е.Л. Государственная инновационная политика пореформенного Китая содержание, периодизация, масштабы.// Вестник ТОГУ.-2010.№2(17). С. 169.

¹² Huang C. Organization, program and structure: an analysis of the Chinese innovation policy framework.//R&D Management.-2004. –vol.34,4. 371-bet

илмий текшириш институтлари ва олий ўқув юртлар қошида, айримлари эса уларнинг ўрнида ташкил этилди. Мамлакатда интеллектуал мулк объектлари шакллана бошлади.

Шу даврда Хитойда илмий текшириш ишларини статистик ҳисобга олиш халқаро стандартлари ишлаб чиқилди.

1995-2005 йиллар давомида халқаро стандартлари тезкор иқтисодий ўсиш ҳамда ички ва ташқи бозорда технологик рақобатнинг жадаллашиши фонида Хитойнинг инновацион сиёсати чуқурлашуви: тадбиркорлик секторининг актив инвестициялари сабабли ЯИМ илм талаб тармоқларда ўсиш, параллел равишда корхоналар ва илмий ташкилотларни кадам ба кадам хусусийлаштирилиш жараёнлари амалга оширилди, давлат олий таълим муассасалари учун янги яратилган технологияларни (ОТМ) тижоратлаштириш янада кенгайди ва қонунийлаштириш амалга оширилди. Илмий ташкилотлар корхоналар, нотижорат ташкилотларга, воситачи ташкилотларга қайта ташкил этилиши, шунингдек уларни университетлар билан бирлаштириш бошланди.¹³

Шундай қилиб, Хитой раҳбарияти инновацион сиёсатни амалга оширишда айниқса хорижий тажрибани интенсив ўзлаштириш орқали тезликда амалий тажрибага айлантириб, ЖСТ аъзолик орқали халқаро алоқаларни кенгайтиришга эришди.

2006-йил “2006-2020 йилларда фан ва техника ривожланишининг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган Давлат режаси” қабул қилингандан кейин Хитойнинг инновация сиёсатида янги давр бошланди. Бу давр учун мақсад ягона яъни белгиланган йўлнинг қатъийлигини ва иқтисодиётни ўсиш суръатларини таъминлаш эди. 2020-йилгача бўлган инновация сиёсатининг энг асосий мақсади фан ва техника ютуқларини ижтимоий иқтисодий ривожланишга ва миллий ҳавфсизликни таъминлаш йўлида

¹³ Huang C. Organization, program and structure: an analysis of the Chinese innovation policy framework.//R&D Management.-2004. –vol.34,4. 371-bet

жорий этишга эришиш орқали мамлакатнинг салоҳиятини фундаментал тадқиқотлар ва фан ва техника ишланмаларини энг юқори чўққиларига кўтариш бўлди.¹⁴

Хитойнинг бугунги кундаги ривожланиш йўналиши Ден Сяопин белгилаб берган ”фан ва техника энг асосий ишлаб чиқарувчи кучдир” концепцияси асносида жадал суръатлардаги иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳисобланади. Шундай қилиб “ватанни фан ва таълимга таянган ҳолда кўтариш” стратегияси Хитой Ҳукуматининг асосий вазифаси саналади. Асосланирилган йўналиш ва стратегик мақсадга мувофиқ равишда Хитой Ҳукумати илмий техникавий соҳада уч босқичли “Инновацион илмий тадқиқотлар, юқори технологияларни ривожлантириш ҳамда юқори ва янги технологиялар саноатини ташкил этиш, шунингдек фундаментал тадқиқотларни жадаллаштириш”¹⁵ ривожланиш моделини жорий этди. Бир вақтнинг ўзида XX асрнинг 80-йиллардан бошлаб XXI асрнинг стратегик муҳим илмий техникавий йўналишларида Хитойнинг рақобатбардошлигини ҳар томонлама таъминлай оладиган илмий техникавий тадқиқотлар давлат дастурларини амалга оширди.

Биринчи босқичда иқтисодий қурилиш ва ижтимоий ривожланишга мўлжалланган инновацион илмий изланишлар дастури: Хужум режаси, “Учкун” режаси, илмий техникавий ютуқларни истиқболли жорий этиш Давлат режаси, ижтимоий ривожланишнинг илмий техникавий дастури қабул қилинди.

Хужум режаси бу 1982-йилда қабул қилинган, давлат миқёсидаги долзарб илмий техникавий муаммоларни ҳал қилиш режасидир. Режанинг асосий вазифаси иқтисодиёт қурилишининг катта ва муҳим муаммоларини ижтимоий иқтисодий ривожланишда таянч вазифасини

¹⁴ OECD Reviews of innovation policy. China synthesis report.2007.

¹⁵ О научно-техническом прогрессе в Китае (электрон манба)// ХХРнинг РФдаги расмий сайти. www.ru.china-embassy.org

базарувчи асосий технологиялар ва умум фойдаланишдаги технологияларни штурм йўли билан эгаллаб олишдир.

1986-йилда қабул қилинган “УЧҚУН” дастурининг асосий мақсади илғор қишлоқ хўжалик техникасини ўзлаштириш, ушбу техникадан қишлоқ жойларда фойдаланиш, деҳқонларга қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёрдам бериш, қишлоқ хўжалик корхоналарига фан техника ютуқларини киритиш, қишлоқ меҳнаткашлари тайёргарлигини такомиллаштириш эди. Шунингдек қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётни бир маромда, тез ва соғлом ривожланишини илгари суришдир.

Дастурга бу номни беришда олимларнинг “технологияларнинг Учқуни қишлоқ хўжалигида катта алангага айланишига”¹⁶ умид қилган эдилар. “Учқун” дастури амалга оширилиши замонавий қишлоқ хўжалигини сезиларли даражада илгари сурди, деҳқонларнинг даромадини оширди. Ҳозирда ушбу дастур доирасида 140 мингдан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиб, мамлакатнинг қишлоқ хўжалик районларидаги 90% ортиқ уездлар ва шаҳарларни қамраб олган.¹⁷ Ушбу дастур шарофати билан Гуйчжоу провинциясидаги Цяньсинань Бун Мяо автоном округида яшовчи 850 минг аҳоли қашшоқликдан ҳалос бўлдилар.¹⁸

1990 йилда Фан техника ютуқларини жорий этиш бўйича давлат Дастури қабул қилинди. Ушбу Дастурнинг бош мақсади жаҳон ютуқларини Хитойда жорий этиш учун қулай шароитлар яратиш саналади.

1996-2010 йилларга мўлжалланган “Ижтимоий ривожланиш бўйича фан техника дастури” қабул қилиниб, Дастурдан кўзланган асосий мақсад аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, тиббиёт хизмат кўрсатиш, санитария, соғлиқни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологияни яхшилаш, табиий офатларни олдини олиш, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш саналади.

¹⁶ Государственный план научно-технического развития. Хитой Халқаро радиоси сайти. www.russian.cri.cn

¹⁷ Государственные программы по развитию науки и техники. www.russian.china.org.cn/

¹⁸ Экспериментальная зона по реализации программы «Искра» в провинции Гуйчжоу помогла 850 тыс с лишним местным жителям в избавлении от бедности.// www.partnery.cn

Иккинчи даражали дастурлар қаторига “863” Дастурини киритиш мумкин. Дастур 1986 йил март ойида қабул қилинган ушбу дастурнинг асосий мақсади фан ва техникани ривожлантириш, Хитойни юқори технологиялар бўйича “локомотив”га айлантириш, технологиялар импортидан воз кечиш саналади.¹⁹

Юқори технологияларни ривожлантиришнинг жаҳон тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, Мазкур дастурнинг асосий йўналишлари 7та тармоқ ва 15 та соҳага йўналтирилди, хусусан биологик, космик, информатсион, лазер, автоматика, энергетик техникалар ва янги материаллар техникаси.

1988 йилда қабул қилинган “Машъал”дастури эса ишлаб чиқаришда янги технологияларни жорий этиш ҳамда уларни тижоратлаштиришга кўмаклашиш саналади.

Дастурдан кўзланган асосий мақсад – хитойнинг фан –техникавий салоҳияти ва ютуқларини юзага чиқариш, хитой фан ва техникасида фундаменталь ва амалий изланишлар ривожлантириш учун максимал қулай шароитларни яратиш. Ишлаб чиқаришда техник сиғимкор ютуқлардан фойдаланишни таъминлаш, техник сиғими юқори корхоналарни жаҳон бозорига олиб чиқиш саналади.²⁰ Дастурнинг асосий тармоқлари электроника ва информатика, биология, янги материаллар, актиноэлектр ва электромеханизмлар, энергиянинг алтернатив турлари, энергия тежаш ва атроф муҳит ҳимояси саналади.

Ушбу Дастур доирасида юқори технологияларни ривожлантириш бўйича 54 та махсус ҳудудлар ташкил этилди.²¹

Учинчи даражада фундаментал илмий изланишларни кучайтириш фан-техника дастурлари – “Асосий технологиялар” ва “973” Дастуридир.

¹⁹ National High-tech R&D Program (863 Program).// ХХР Фан ва технологиялар вазирлиги сайти.// www.most.gov.cn

²⁰ Леонов С.Н., Домнич Е.Л. Государственная инновационная политика пореформенного Китая содержание, периодизация, масштабы.// Вестник ТОГУ.-2010.№2(17). С. 39.

²¹ Сколково- поучиться у Китая. www.chinapro.ru

“Асосий технологиялар” Дастури – биринчи Хитой фан ва техникани ривожлантиришга қаратилган миллий дастур ҳисобланиб, 1982-йилда қабул қилинган. Режанинг асосий вазифалари сифатида қишлоқ хўжалиги ривожлантириш учун кўплаб асосий технологиялар ва маҳсулотларни ишга солиш, атроф муҳитни ҳимоя қилиш, ресурслардан рационал фойдаланиш, қайта ишлаш саноати, анъанавий хитой тиббиётини модернизация қилиш, хитойликларнинг яшаш даражасини яхшилаш белгилаб олинди.²²

“973” Дастури - Хитойнинг фундаментал илмий-техникавий изланишлар соҳасидаги Давлат режаси ҳисобланиб, 1997 йил март ойидан бошлаб амалга киритилган. Дастурнинг бош мақсади-миллий стратегик мақсадларга ҳамоҳанг тарзда фундаментал изланишларни кучайтиришдир.

Дастур Хитойнинг фан техника соҳасидаги истеъдод соҳибларини қишлоқ хўжалиги, энергетика, ИТ, ресурслар соҳаси ва атроф муҳит, аҳоли ва соғлиқни сақлаш, халқ хўжалиги, ижтимоий ривожланиш ва мамлакатнинг фан-техникавий ривожланиши билан боғлиқ материаллар соҳаларида асосий муаммолар ечимларига қаратилган инновацион изланишлар олиб боришга йўналтирди.²³

Ҳозирда хитой ҳукумати “973” Дастурини амалга ошириш учун бир неча млрд.юань миқдоридаги маблағ сарфлади, 300га яқин объектлар фойдаланишга топширилди. Хитойлик олимларнинг дастур доирасидаги “нано” технологиялар, генетика, инсон миёна фаолиятини ўрганиш, палеонтология соҳаларидаги ютуқлари бутун дунёга машҳурдир.²⁴

ХКПнинг 2007 йил октябр ойида бўлиб ўтган 17-съезди мамлакатнинг сиёсий ривожланишининг беш асосий базавий принципларини тасдиқлади.

²² Key Technologies R&D Program (863 Program).// ХХР Фан ва технологиялар вазирлиги сайти.// www.most.gov.cn

²³ Huang C. Organization, program and structure: an analysis of the Chinese innovation policy framework.//R&D Management.-2004. –vol.34,4. 373-bet

²⁴ Государственный план научно-технического развития. Хитой Халқаро радиоси сайти. www.russian.cri.cn

Улар илмийлик, инновациялар, яхлитлик, қудратнинг маромда ўсиши ва уйғундир.²⁵

Съездда миллий инновацион тизимни шакллантириш учун нафақат кучли фан ва таълим соҳасига эга бўлиш балки қатор институционал шарт шароитларнинг мажмуаси ҳам таъминланиши лозимлиги қайд этилди.

- Янгиликларни яратиш соҳасининг асосий генератори бўлмиш рақобатбардош тадбиркорлик секторининг мавжудлиги
- Юқори технологияларни миллий тармоғининг ривожининг шарти ҳисобланмиш глобал инновацион соҳага интеграциялашув
- Таълим, фан ва технологияларни ривожлантиришда давлат сиёсатининг аҳамияти, инновацион ўсиш учун қулай институционал шароитларни яратиб бериш.²⁶

Ушбу белгиланган мақсадларнинг деярли барчаси “2006-2020 йилларда фан ва техникани ўрта ҳамда узоқ муддатларда ривожлантиришга мўлжалланган асосий давлат режаси”да ўз аксини топган.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида инновацион сакрашни амалга ошириш 12 беш йилликнинг энг муҳим стратегик йўналишларидан бири саналади. Қуйида Хитойнинг инновацион ривожланиш дастурларини амалга ошириш йўналишлари ёритилган.

2.1.жадвал.²⁷

Инновацион ривожланиш дастурларини амалга ошириш учун шароитлар яратиш
• Миллий инновацион тизимда инновацион фаолиятни корхоналарда тадбиқ этилишига урғу берган ҳолда институционал ислохотлар олиб бориш • Жамиятнинг инновацион маданиятини ривожлантириш • Инфраструктура, инсон кпитали ва инновацион мақсадларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш
Дастурни молиялаштириш
• ИТТКИларни инвестициялашнинг кўп вариантли каналларини яратиш • ИТТКИларга бюджетдан ҳаражатларнинг ўзгармас ўсиш суръати

²⁵ “Страна покоряющей привлекательности”. К итогам 17-го съезда Китая.// Еженедельный журнал “Профиль”. www.profile.ru

²⁶ Карлусов В.В. 17 съезд КПК и задачи формирования инновационной системы в Китае: российский ракурс.// 17 съезд КПК проблемы социально-экономического развития КНР на современном этапе.- Институт Дальнего Востока РАН, 2009. С.182

²⁷ Отв.ред. Михеев В.В., Швыдко В.Г. Китай и глобализация: взгляд из Москвы и Пекина. М.: ИМЭМО РАН, -2013г.-с.16

• Мега лойиҳаларга ҳукумат инвестициялари • ИТТКИларни молиялаштиришда давлат ва хусусий банклар ўртасида меҳнат тақсимоти • Миллий венчур капитали бозорини яратиш • Миллий компанияларни Хорижда Хитой ИТТКИ марказларини ташкил этишда рағбатлантириш
Солиқ имтиёзлари
• ИТТКИга ҳаражатлар корхонанинг солиққа тортиладиган даромадидан айрилади, ИТТКИга қилинган реал ҳаражатларнинг 150% миқдорида беш йил давомида • ИТТКИ мақсадида фойдаланиш учун ускуналарнинг тезлаштирилган амортизация сиёсати амалга оширилади • Янги технологияларни ўзлаштириш ҳудудларида фаолият юритувчи юқори технологияли компаниялар фаолиятлари даромад келтира бошлаганидан сўнг икки йилдан кейин солиқлардан озод этилади
Импорт ва хорижий технологияларни ўзлаштириш
• Хитойга импорт қилиниши мумкин бўлган хорижий технологиялар рўйхатини тасдиқлаш • Эскирган технологиялар импортига чекловлар белгилаш
Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш
• Юқори технологиялар соҳасида интеллектуал мулк ҳуқуқини қўлга киритишга интилаётган компанияларни қўллаб қувватлаш • Халқаро технологик стандартларни ишлаб чиқишда иштирок этишда фаоллаштириш мақсадида Хитой корхоналари ва ишлаб чиқариш ассоциацияларини қўллаб қувватлаш • Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларни бузилиш ҳолатлари учун жазо чораларини кескинлаштириш • Патентлаш тизимини яхшилаш ва Хитойнинг халқаро инновациялар савдоси тизимида интеграциясини тезлаштириш

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда фан техника соҳасида олиб борилган ислохотлар ҳар томонлама мукамалликка интилаётган Хитой Миллий инновацион тизимини шаклланишига сабаб бўлди. Тизим доирасида ҳукумат томонидан бир қатор фан техникавий ривожланиш дастурлари мажмуаси ишлаб чиқилиб, уларнинг амалий натижалари иқтисодий ўсиш суръатларида намоён бўла бошлади.

2.2. ХХР миллий инновацион тизими: камчиликлар ва ютуқлар

2006 йил Хитой ўз олдида ўзгалар ишланмалари асосида товарлар ишлаб чиқарувчи “дунё фабрикаси” ролдан технологик суверенитетга асосланган иқтисодий ривожланиш мақсадини қўйди. Бир неча йил давомида ютуқларга эришиб ҳаттоки қатор кўрсаткичлар бўйича топ рейтингларда

юқори ўринларни эгаллашга ҳам улгурди. Масалан ИТТКИга қўйилмалар, патентлар сони ва илмий журналларда цитаталар келтирилиши бўйича ва ҳоказо.

Саккиз йил аввал “суверен инновациялар” (*цзычжэу чуансинь* 自主创新) концепцияси собиқ ХХР Раиси Ху Цзинь тао томонидан “ ХХРда фан ва техникавий ривожланишнинг ўрта ва узоқ муддатли давлат дастури (2006-2020 йиллар)” илгари сурилган бўлса, шундан буён партия бошқаруви мажлислари кун тартибидадир.

Хитойни жаҳон ишлаб чиқариш майдонига чиқишига сабаб бўлган Ислохотлар ва очиқлик сиёсати 1978 йилда амалга киритилган бўлсада, хитой иқтисодиётининг ўсиши 1990-2000 йилларга тўғри келади. 2005 йил ХХР ЯИМ ҳажми бўйича Буюк Британияни ортда қолдириб бешинчи ўринга кўтарилди. Бу иқтисодий ўсиш гарови рақобатбардош ишчи кучи саналади. Булар асосан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришда ишлашга тайёр бўлган қишлоқ жойларида яшовчи аҳолилар эди. Хитой иқтисодий мўжизаси миллионлаб кечаги қишлоқ болаларига замонавий инфраструктурали шаҳарларда яшаш имкониятини берди: қашшоқлик даражаси 1981 йилдан 2005 йилга қадар 85%дан 15%га камайган. Бошқа томондан эса индустриал иқтисодий ўсиш мисли кўрилмаган экологик инқирозга сабаб бўлди.

2000 йиллар ўрталарига келиб юқори даражадаги ЯИМга қарамасдан, Хитой бошқалар ишланмалари асосида якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи давлат сифатида жаҳон ишлаб чиқариш занжирида ўз ўринига эга эди. 2005 йил 88% хитой юқори технологиялари чет эл компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган. ИТТКИга қўйилмалар даражаси ЯИМнинг 1997 йил 0,64%дан 2005 йил 1,34%га ошган бўлсада, ривожланган мамлакатлар даражасидан паст эди. 2020 йилга келиб ИТТКИга қўйилмалар ЯИМнинг 2,5%, илмий техникавий прогресснинг иқтисодий ривожланишга таъсири коэффициентини 60%га етказиш ²⁸, Хитой патентлар сони ва илмий

²⁸ http://i.rbc.ru/publication/analytic/suverennye_innovatsii_uspehi_i_neudachi

журналларда цитаталар бўйича етакчи бешта давлат қаторига кириш, хорижий технологияларга қаримлик даражасини 30%га камайтиришни белгилаб олинди.

(WIPO, июнь 2014)




График 1. Мамлакатларда олинган патентлар сони²⁹

“Бош режа” иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг 11 та истиқболли йўналишларини, унинг доирасида эса қисқа муддатли истиқболда аниқ натижаларга олиб келувчи 68 та мақсадлар белгилаб олинди. Шунингдек, “ётакчи хорижий” технологияларни ривожлантиришга қаратилган 8 та йўналиш белгиланган: биотехнология, ИТ, янги материаллар, ишлаб чиқариш технологиялари, энергетик, лазерли ва аэрокосмик технологиялар, океанни ўзлаштириш. Хужжат солиқ имтиёзлари, давлат харидларида преференциялар, хорижий технологияларни маҳаллийлаштиришни қўллаб қувватлаш, интеллектуал мулк соҳасида тартибга солишни кучайтириш ва инновацион корхоналарни қўллаб қувватлашнинг бошқа чораларини назарда тутди.

²⁹

http://i.rbc.ru/publication/analytic/suverennye_innovatsii_uspehi_i_neudachi

Микдор кўрсаткичлари нуктаи назаридан таҳлил қилсак, 2013 якунларига кўра Хитой олинган патентлар сони бўйича дунёда учинчи ўринни (Япония ва АҚШдан сўнг) эгаллади. Хитойнинг ZTE компанияси патент олишга аризалар бўйича дунёда етакчиликни қўлга киритди.

Шу билан бир каторда такрорланмас истеъмолчилар талаби хусусиятига эга кенг хитой бозори мустақил аҳамиятли инновациялар двигателига айланмоқда. 2014 йилда Форбэснинг дунёнинг 100 та энг инновацион компаниялар рўйхатида олтинчи хитой компаниялари жой олган бўлиб, улардан иккитаси (Baidu ва Tencent) онлайн-хизматлар соҳасида, учтаси-озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида, биттаси эса маиший кимё соҳасида фаолият юритади.³⁰

Шунча ютуқларга қарамасдан хитой иқтисодий модели ҳали тўлиқ инновацион модел сифатида тавсифлана олмайди.

Мамлакат иқтисодиётини ўсишини таъминловчи асосий соҳалар сифатида асосий капиталга қилинадиган инвестициялар ва экспорт сақланиб қолмоқда. Хитойда юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқариш импорт қилинган компонентларни йиғиш ҳисобига амалга оширилмоқда.

Ғарб корпорацияларининг хитойга кўчириб келтирилган илмий изланиш марказлари ўзларининг ишлаб чиқариш мақсадларидан қисман узоқлашмоқдалар ёки улар зиммасига ИТТКИ амалга ошириш бўйича чекланган вазифалар юклатилмоқда.³¹ Ғарбнинг энг илғор технологиялари ХХР учун тўлиқ ўзлаштирилмаяпти, хусусан бу ерда мавжуд интеллектуал мулкчилик сабабидан ҳам.

Хитой ҳукумати фикрича, чет эл корхоналарига яратилган имтиёзлар ўз вазифаларини бажариб бўлдилар, эндиликда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни юқори технологик товарлардан ҳимоялаш лозимдир, хусусан уларга миллий инновацион стратегия доирасида имтиёзлар яратиш орқали ҳам. Хитой ЯИМ дунё ЯИМнинг қарийб 8-10% ташкил этсада, Хитой

³⁰ http://i.rbc.ru/publication/analytic/suverennye_innovatsii_uspehi_i_neudachi

³¹ Насибов И. Научно-технический потенциал Китая: итоги и перспективы развития. Мировая экономика и международные отношения. -2012. -№10 с. 79-83

дунё энергоресурслари, металлургия маҳсулотлари ва цементи истеъмолининг салмоқли қисмини ташкил этади.

2.1. жадвал.³²

ИТТКИларида иштирок этувчиларнинг сони (ҳар млн. кишига)

	1996	2001	2006	2011	2012
ХХР	439	577	923	963	1020
Россия	3788	3460	3231	3120	3096
АҚШ	3102	3524	3755	3979	
Германия	2760	3163	3342	4085	4139

Хитой ҳукумати томонидан нафақат мақсад ва вазифалар белгиланди, балки аниқ муддатлар ва муҳим мезонлар ҳам аниқлаб олинди. Хитой ИТТКИларига харажатларни 2020 йилга келиб 2,5% ошириш, ЯИМда технологик ривожланиш ҳиссасини 60%га етказиш, хорижий технологияларга тобъеликни 30%га тушириш, фуқароларга кашфиётлари учун берилган патентлар сони ва маҳаллий олимларнинг илмий мақолаларига ҳаволалар сони бўйича дунёнинг етакчи бешталигига кириши кераклиги белгиланган.³³

³² Жаҳон Банки маълумотлари. http://i.rbc.ru/publication/analytic/suverennye_innovatsii_uspehi_i_neudachi

³³ Бергер Я.М. Становление инновационной экономики в Китае. // 17 съезд КПК и проблемы социально-экономического развития КНР на современном этапе. – Институт Дальнего востока РАН, 2009. С.163.

III-БОБ. ХХРДА ИННОВАЦИОН СИЁСАТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. ХХР ХКПнинг 18 съездидан сўнг: Инновациялар учун вақт. “Хитойча орзу” ушалиши.

ХХР ҳукумати сўнгги беш йиллик учун ҳар томонлама ўрта даражада ҳаётли жамият қуриш, социалистик модернизация ва буюк ХИТОЙ миллатни қайта яратиш мақсадида энг муҳим ва энг долзарб масала жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини озод қилиш ва ривожлантириш сифатида белгилаб олди. Тафаккурни озод қилиш, жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини айнан жамиятнинг озод қилиш ва эркинлигини мустаҳкамлашдир. Бу борада Ден Сяопин : “Инқилоб ҳам ислохотлар ҳам айнан ишлаб чиқариш кучларини озод қилиш учундир” деган эди. Асосий хитойча хусусиятли социалистик тузумни шакллантириш билан ишлаб чиқариш кучларига эркинлик бермаётган иқтисодий механизмни ҳам тубдан янгилаш, ва ишлаб чиқариш кучларини ривожланишини рағбатлантирувчи тўлақонли кучли социалистик иқтисодий механизмни яратишимиз керак. Бу портлаш орқали барча динамик факторларни: меҳнат, билим, техника, бошқарув, капитал ва б. социалистик бойликни яратувчи барча мабаъларни оқиб келишини таъминлашимиз лозим. Кўлмак сув ярамайди, лойқаларнинг оқиб келиши ҳам ярамайди”.³⁴

Хитой ҳукумати ўз йўлининг тўғрилигига иймони комиллиги ҳақида , ўз назарияси ва ўз ижтимоий тузумини ривожлантиришда монолитдек мустаҳкам бўлиши лозимлиги таъкидланмоқда. Бунинг учун узлуксиз ислохотлар ва инновациялар, хитойча хусусиятли социализм ўзининг капиталистик тузумга нисбатан ишлаб чиқариш кучларини эркинлаштириш ва жамиятнинг ҳаётий кучларини ўстириши лозимдир. Инсонларни

³⁴ Ден Сяопин. Тезисы бесед во время поездок в Учан, Шеньчжень, Чжухай и Шанхай. Избранное. Т.Ш. Пекин. Женьминь чубаньшэ.1993г. с. 370 (кит.яз).

ташаббускорликларини ва яратувчанлик кучларини намоён қилишлари учун рағбатлантиришда устунроқ эканлигини намоён этиш зарур.

Си Цзиньпин Хитой КП МК томонидан ташкиллаштирилган партиясиз олимлар билан 2012 йил 30 ноябрда бўлган учрашувида, келаси йил оғир келиши мумкинлиги, лекин албатта зафарлар билан йилни якунлашга, ишонч билан ишлаш кераклиги ҳақида сўз юритиб, асосий эътиборни иқтисодий ривожланишнинг сифати ва самарадорлигига қаратиш лозимлигини таъкидлаган.

2013 йил 21 октябрда Ғарбдан қайтиб келган хитойлик мутахассислар Ассоциацияси ташкил этилганлигининг юз йиллиги муносабати билан ташкил этилган танатнали йиғилишда “... хорижда таҳсил олаётганлар ўқиш жараёнида мамлакат модернизацияси, жаҳон тенденциялари ва ривожланиш истиқболларига, дунёнинг илғор билимлари, технологиялари ва бошқарув тажрибасига эътибор қаратишларини истардим.”³⁵ деган фикрларни баён этганди.

Ғарбдан қайтиб келган хитойлик мутахассислар Ассоциацияси бундан 100 йил аввал 1913 йил октябрда хитой миллати учун энг таҳликали вазиятда ташкил этилди. Ташкил этилгани заҳоти у мамлакат ҳаётига ватанпарварлик ғоялари илгари сура бошлади 2003 йил Марказий ҳукумат санкциясига кўра ассоциация “Хорижда таълим олиб мамлакатига қайтган хитойлик мутахассислар Ассоциацияси” деган параллел номни олди.

Ушбу Ассоциациянинг фахрий аъзоларидан бири Цянь Сюэсэнь (1911-2009) - Чжецзян провинцияси Ханчжоу шаҳрида истиқомат қилган, 1935 йилдан АҚШда таҳсил олган ва фаолият юритган, 1955 йил Хитойга қайтиб келган. ХХР ҳарбий саноат, фан ва техника Қўмитаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ва Хитой фан ва техника ассоциацияси раҳбари лавозимида фаолият юритган. Шахсан Хитойнинг биринчи ракета-ташувчиси, баллистик ракетаси, Ернинг сунъий йўлдоши ишланмалари ва синовларида

³⁵ Си Цзиньпин. О государственном управлении. Пекин., 2014г. С.82

ташкил этиш ҳамда бошқариш ишларида иштирок этиб, шу билан хитой космонавтикаси ривожига беқиёс ҳисса қўшган.

Ислохотлар ва очиқлик сиёсатини давом эттириш, инновацион рағбатлантиришни янада кучайтириш ва иқтисодиётни мунтазам ва турғун ўсишига эришиш, жамиятда мунтазамлик ва уйғунликка эришиш, мунтазам олға интилиш принципига амал қилиши, илмий изланишлар соҳаларида инновацияларга интилиш янги беш йилликнинг асосий устувор йўналишларидандир. Биринчидан, иқтисодий ривожланиш даражасини сақлаш, ҳаётга актив молиявий ва бир маромдаги валюта сиёсатини жорий этиш, иқтисодиёт ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча ички кучларни жалб этиш лозим бўлади. Иқтисодий ўсиш реал, бўрттирилмагандир. Сифатли, самарали ва давомли бўлмоғи лозим. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигини, халқ хўжалигининг асоси сифатида, қишлоқ хўжалигини қўллаб қувватлаш, аграр секторни мустаҳкамлаш сиёсатини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, деҳқонлар учун имтиёзлар ва уларнинг ижтимоий аҳволларини яхшилаш чораларини қўллаш, шу йўл билан мамлакатни дон билан таъминлаш самарадорлигини амалга оширишга эришиш лозим. Учинчидан, иқтисодиётни қайта тузилмалаштириш ишларини илгари силжитиш лозим бўлади ва бу билан сезиларли даражадаги силжишга эришилади. Ташқи талабни мўътадиллаштириш билан бир қаторда ички талабни ҳам кенгайтириш лозим бўлади. Саноат соҳасини мувофиқлаштириш ишларини кучайтириш лозим, мамлакатда соғлом ва мунтазам урбанизацияга эришишга кўмаклашиш лозим. Тўртинидан, барча кучларни аҳолининг яхши ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратиш лозим. Бунинг асосида урғуни, кам таъминланган аҳоли қатламларининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратиш лозим, Кам таъминланган талабаларга ёрдам кўрсатиш ишларини ташкиллаштириш, асосий эътиборни бандлик, ижтимоий ёрдам тизимини жорий этиш ишларини ташкил этишга қаратиш зарур.

Шундай қилиб, Халқ оммасига тўкин ҳаётга эришиш кучли ирода билан меҳнат қилишга боғлиқ эканлигига ишонтириш, нафақат партия ва ҳукуматнинг олдига қўйган вазифаси, балки бутун миллатнинг шижоатли кураши мазмунига айланмоғи лозимлигини чуқур идрок этиш керак.

“Иқтисодий ислохотлар ва очиқлик сиёсати бошланган даврдан бошлаб Хитой ижтимоий иқтисодий ривожланишда ажойиб ютуқларга эришди. Иқтисодиёт ҳажмида жаҳонда иккинчи ўринга чиқди, иқтисодиётнинг кўпгина соҳаларида эса биринчи ўринни эгаллашга эришди. Аммо бир нарсани аниқ айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодиёти кенг масштабли лекин кучли эмас, иқтисодиётнинг ўсиши жуда тез лекин оптимал эмас. ... Ҳозирги кунда, ривожланган мамлакатлар аҳолисининг барчасини қўшиб ҳисоблаганда тахминан 1 миллиард кишини ташкил этади, бизнинг мамлакатимиз аҳолисининг ўзига 1,3 миллиард кишини ташкил этади. Бу Бизнинг мамлакатимизда модернизацияни амалга оширилиши икки маротабадан ортиқроқни ташкил этишини билдиради. Биз ривожланган мамлакатлар аҳолиси истеъмол қилаётган ресурслар миқдоридаги ресурслар билан яшашимиз ва ишлаб чиқаришимизни тасаввур қилиш қийин. Агар бутун дунё ресурслари бизга тегишли бўлганда ҳам умуман етмайди! Эскича йўлда юриш мумкин эмас, янги йўл қани? Ишлаб чиқариш факторлари ва инновацион ривожланиш моделига асосланган кенг масштабли инвестициялар моделидан Илмий техникавий инновациялар моделига ўтишда.”³⁶

Асосий манбаъси инновация бўлган Ривожланиш стратегиясини амалга ошириш учун, шахсий инновацион салоҳиятини ривожлантириш лозимдир. Бунда энг долзарб масала институционал ва тизимли тўсиқлари енгил, биринчи навбатда зарур ишлаб чиқарувчи куч сифатида илмий ва техникавий салоҳиятларни аниқлаш ва максимал даражада эркинлаштириш

³⁶  “Ускорить темпы перехода от модели развития, основанной на факторах производства и инвестициях, к инновационной Модели развития”. Выступление на 17 конференции академиков Акадмии наук Китая и 12 конференции академиков инженерной академии Китая. 9 июня 2014 года.

асосий вазифа ҳисобланади. Келажакка интилган ҳолда, ўз шхсий инновацияларини даражасини кўтариб, айниқса хитойча хусусиятли иқтисодиётда инновация йўлидан оғишмаслик, инновацион давлат куриш суръатини тезлаштириш масаласи ўта муҳимдир.

Куп йиллик ҳаракатлар натижасида мамлакатда илм ва техника даражаси сезиларли даражада кўтарилди. Айим тармоқларда Хитой илғор мамлакатлар даражасига эришди, айрим соҳаларда “орқада югурувчилар” каторидан “тенг югурувчилар” каторига ёки “илгарилаганлар” каторига чиқди. Хитой синхрон, комплекс ва кўптармоқли янги саноат ривожланган, информатизация, қишлоқ хўжалигини урбанизациялашган ва модернизациялашган давлатга айланди. Буларнинг бари ўз инновацияларини ривожлантириш учун кенг имконият ва куч манбаини яратади.

Хитой 30 йиллик ислохотлар ва очиқлик сиёсати даврида эришган тажрибасига таянган ҳолда, инновация соҳасидаги рақобатда иштирок этишни ва ташаббусни ўз қўлига олишни лозим деб белгилаб олди. Имконият жуда тез ўтиб кетадиган ҳолатдир. Ҳозирда Хитой илмий техникавий инновацияларини олға суриш имкониятидан фойдаланиш бўсағасида турибди. Бу имкониятдан ё ҳозироқ фойдаланишни бошлаши лозим ёки ҳеч қачон. “Ҳозир имкониятни қўлдан чиқаришимиз мумкин эмас. Кечиксак кейин тўлови кўпроқ оғир бўлишини унутмаслигимиз керак.”³⁷

Тажрибалар шуни кўрсатадики, хитойнинг ўз кучига таяниши - хитой миллатининг дунё халқлари оиласида бўлиш учун кураш нуқтасидир. Мустақил инновациялар - халқаро илмий техникавий чўққиларни забт этишнинг аниқ ягона йўли. Мақсадларнинг аниқ белгиланганлиги, Хитойни шиддат билан иқтисодиётни янада янги босқичга олиб чиқиши заруратини юзага келтиради. Албатта, мустақил инновациялар дегани ёпиқ эшиклар ортида ишлаш ва ёлғиз курашиш дегани эмас, илғорлар

³⁷ Си Цзиньпин. О государственном управлении. Пекин., 2014г. С.170

тажрибаларни рад этиш ва улардан ўрганмаслик , ўзини ташқи дунёдан ажратишмаслик лозим. Хитой учун янада фаол халқаро муносабаларга киришиш ва фан ва техника соҳасида алмашинувлар, илмий техника ресурсларидан мамлакат ичкарасидаги каби хорижда ҳам фойдаланиш энг мақбул йўлдир.

Анъанавий халқаро технологиялар кураши майдонларида тартиб аллақчон белгилаб қўйилган, Хитой ҳам бу майдонга кириши, белгиланган тартиб бўйича, кенгрок ташаббусга эга булмасдан ўйнаши лозим бўлади. Илмий техникавий ва ишлаб чиқариш инқилобининг янги раундида зарур имкониятга эга бўлиш учун бу майдонча қурилишининг бошланиш даврида кириб олиш керак. Хитой ана шундай бир қанча майдончалар қурилишида асосий ўринга эга бўлиши, ўйин тартибини белгилаш имкониятига ҳам эга бўлиши мумкин. Унинг учун бир қанча рақобат майдончаларида доминант ролга эга бўлиш, рақобатнинг янги тартибини жорий этишда иштирок этиш муҳимдир. Агар Хитой бир ёки бир неча хусусиятга эга бўлмаса, янги рақобат майдончаси қурилишида иштирок эта олмаса, ривожланиш имкониятини қўлдан чиқарган бўлади. Имконият ҳамма вақт унга яхши тайёргарлик кўрганга, ва аниқ фикрловчи, юқори интилувчи ва жуда чидамлиларга келади. Хитой эса қолоқлар қаторидан илғорлар сафига чиқиши, унинг инновациялар соҳасида ривожланишга эришишишига боғлиқ.

“Инновация-бу миллий юксалиш руҳидир, давлат ривожланишининг энгилмас кучи ва хитой миллатининг энг чуқур табиий қобилятидир. Қаттиқ халқаро рақобат шароитида фақатгина инноватор олдинга ҳаракат қилиш, кучли бўлиш ва ғалабага эришиш имкониятига эга”³⁸

³⁸ Юқоридаги манба. 82-бет

ХУЛОСА

Ўтган йиллар мобайнида Хитой фан ва техника тизими кўплаб ўзгаришларни бошидан ўтказди, мамлакатнинг фан техника қуввати ва унинг даражаси сезиларли даражада ўсди. Шунингдек ҳозирда фан ва техникани иқтисодиёт билан боғлашнинг янги механизмлари ишлаб чиқилмоқда, кундан кунга асосий ишлаб чиқариш кучларининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Хитой ҳукумати инновацион тизимини ривожлантиришни XX асрнинг 70 йилларидан бошлаган эди ва қарийб 30 йилдан ошиқ вақт ўтиб сезиларли ютуқларга эришмоқда. Инновацион ривожланишнинг дастлабки қадамлари мана бугун натижаларини бермоқда.

Миллий инновацион тизимни ривожлантиришнинг асосий усуллари сифатида белгиланган шахсий инновацияларни яратиш, хорижий инновацияларни ўзлаштириш, тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, илмий изланишларни ташкил қилиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, бошқа мамлакатлардан мутахассисларни жалб этиш, мамлакат иқтисодиётига инвестициялар оқимини таъминлаш, шунингдек мамлакат ичкарасида ва хорижда юқори технологияларнинг парк ва инкубаторларини ташкил этиш каби йўналишларда иқтисодиётни янги босқичга олиб чиқиш, мамлакатни эса инновацион давлат мақомига эришиши учун комплекс чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

1978 йилда Дэнь Сяопинь томонидан бошланган “Очиқлик” ва ислохотлар сиёсатини чуқурлаштириш билан ишлаб чиқариш кучларига эркинлик бермаётган иқтисодий механизмни ҳам тубдан янгилаш ва ишлаб чиқариш кучларини ривожланишини рағбатлантирувчи тўлақонли кучли хитойча хусусиятли социалистик иқтисодий механизмни яратиш, портлаш орқали барча динамик факторларни: меҳнат, билим, техника, бошқарув, капитал ва б. социалистик бойликни яратувчи барча мабаъларни оқиб

келишини таъминлашимиз лозим. “Кўлмак сув ярамайди, лойқаларнинг оқиб келиши ҳам ярамайди” деган эди Ден Сяопин.

Сўнгги беш йиллик режасига мувофиқ халқ оммасини тўкин ҳаётга эришиш кучли ирода билан меҳнат қилишга боғлиқ эканлигига ишонтириш, нафақат партия ва ҳукуматнинг олдида қўйган вазифаси, балки бутун миллатнинг шижоатли кураши мазмунига айланмоғи лозимлиги белгилаб қўйилган.

Хитой тажрибаси эса шуни кўрсатадики, ўз кучига таяниш - хитой миллатининг дунё халқлари оиласида бўлиш учун кураш нуқтасидир.

Зеро ХХР давлат раҳбари Си Цзиньпин таъкидлагандек “Имконият ҳамма вақт унга яхши тайёргарлик кўрганга, ва аниқ фикрловчи, юқори интилувчи ва жуда чидамлиларга келади. Бизнинг мамлакатимиз қолоқдар қаторидан илғорлар сафига чиқиши, бизнинг инновациялар соҳасида ривожланишга эришишимизга боғлиқ.”

Фан ва техникавий инновацияларни ривожлантиришнинг янги тенденциялари олдида дунёнинг етакчи мамлакатлари янги фан техникавий ечимлар ва иқтисодиётни, илм фан ҳамда техникаларни ривожлантиришнинг янги йўлларини излай бошлайдилар. Хитой ҳам бу борада ортда қолмаслиги лозим, шахд билан ўз ишини янги босқичга кўтариши ва ғалабага эришмоғи лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТИЛАР РЎЙҲАТИ

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ҳукумат қарорлари ва Президент асарлари

1. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Халқ сўзи. 12 ноябрь 2012 йил
2. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи, 18 январ 2014йил

Илмий адабиётлар

3. Абдусаттарова Х.М. Инновация стратегияси. ТДИУ, -2011 йил. 50-бет
4. Бергер Я.М. Становление инновационной экономики в Китае. // 17 съезд КПК и проблемы социально-экономического развития КНР на современном этапе. – Институт Дальнего востока РАН, 2009. С.163.
5. Ден Сяопин. Тезисы бесед во время поездок в Учан, Шеньчжень, Чжухай и Шанхай. Избранное. Т.Ш. Пекин. Женьминь чубаньшэ.1993г. с. 370 (кит.яз).
6. Карлусов В.В. 17 съезд КПК и задачи формирования инновационной системы в Китае: российский ракурс.// 17 съезд КПК проблемы социально-экономического развития КНР на современном этапе.- Институт Дальнего Востока РАН, 2009. С.182
7. Отв.ред. Михеев В.В., Швыдко В.Г. Китай и глобализация: взгляд из Москвы и Пекина. М.: ИМЭМО РАН, -2013г.-с.16
8. Си Цзиньпин. О государственном управлении. Пекин., 2014г. С.82
9. Chang, M. The Thought of Deng Xiaoping // Communist and Post-Communist Studies. 1996. -№4
10. Huang C. Organization, program and structure: an analysis of the Chinese innovation policy framework.//R&D Management.-2004. –vol.34,4. 373-bet

Илмий маколалар

11. Насибов И. Научно технический потенциал Китая: итоги и перспективы развития. Мировая экономика и международные отношения. -2012. -№10 с. 79-83
12. Леонов С.Н., Домнич Е.Л. Государственная инновационная политика пореформенного Китая содержание, периодизация, масштабы.// Вестник ТОГУ.-2010.№2(17). С. 39.
13. OECD Reviews of innovation policy. China synthesis report.2007

Интернет сайтлар

www.i.rbc.ru

www.chinapro.ru

www.most.gov.cn

www.ru.china-embassy.org

www.russian.china.org.cn

www.russian.cri.cn

www.partnery.cn

www.profile.ru